



Жалов Латиф Абдурашидович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги
чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
E-mail: 7upravlenie@bk.ru

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИСТЕММОЛ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада муаллиф ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг объектив белгиларида доир масалаларни таҳлил этган. Бундан ташқари, мақолада мазкур жиноятининг объектив томони жиноят таркиби элементлари сифатида кўплаб илмий ишларнинг манбаси бўлиб ҳисобланиши борасида фикирлар билдирган. Муаллиф мақолада давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳисобланиши билан боғлиқ ҳаркатлар мазкур жиноятининг объектив томонини ташкил этишига доир ўзининг таклиф ҳамда тавсияларини бериб ўтган.

Калит сўзлари: айб, ваколат, жавобгарлик, жазо, жиноят, ҳокимият, мансаб, суиистеъмол, хавфли қилмиш, сабабий боғланиш.

Джалов Латиф Абдурашидович,
Начальник управления координации антикоррупционных
мер Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: 7upravlenie@bk.ru

ОБЪЕКТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ ИЛИ ПОЛНОМОЧИЯМИ

АННОТАЦИЯ:

В данной статье автор проанализировал вопросы, связанные с объективными признаками преступления злоупотребления властью или полномочиями. Кроме того, в статье объективная сторона данного преступления рассматривается как источник многих научных работ как элементы преступной структуры. В статье автор дал свои предложения и рекомендации о том, что общественные отношения, обеспечивающие нормальное функционирование органов государственной власти, управления и местного самоуправления, действия, связанные с учетом прав и законных интересов граждан, представляют собой цель стороны этого преступления.

Ключевые слова: вина, авторитет, ответственность, наказание, преступление, авторитет, карьера, злоупотребление, опасное деяние, причинная связь.

Jalov Latif Abdurashidovich,
Head of the Department for Coordination of Anti-Corruption Measures
of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan
E-mail: 7upravlenie@bk.ru

OBJECTIVE SIGNS OF THE CRIME OF ABUSE OF POWER OR AUTHORITY

ANNOTATION:

In this article, the author analyzed the issues related to the objective signs of the crime of abuse of power or authority. In addition, in the article, the objective aspect of this crime is considered to be the source of many scientific works as elements of the criminal structure. In the article, the author gave his suggestions and recommendations on the fact that social relations that ensure the normal functioning of state power, management and local self-government bodies, actions related to the calculation of the rights and legal interests of citizens constitute the objective side of this crime.

Keywords: guilt, authority, responsibility, punishment, crime, authority, career, abuse, dangerous act, causation.

Бизга маълумки, жамият хаётидаги туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар, одатда, жинояччилик, айниқса, унинг энг хавфли кўринишларининг кўпайишини кўрсатмоқда. Жинояччилик – доимо ўзгариб турадиган ва ривожланадиган ҳодисадир. Жинояччиликнинг айrim турлари, гуруҳларига юксак даражадаги жипслик, жинояччилик ичидаги ва давлат ичидаги вертикал ва горизонтал алоқаларнинг турғунлиги хосдир. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноявлар шулар жумласига киради.

Ҳозирги даврда, айниқса, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти кўпгина давлатларда кенг ёйилган. Мазкур жиноятга қарши кураш муаммолари, иқтисодий-сиёсий, суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш даврида долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда демократик хуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали изчил ва босқичма-босқич суд-хуқуқ ислоҳотлари амалга оширилаётган бугунги кундан устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кундан коррупциявий жиноявлар тоифасига киравчи мазкур жиноятнинг оқибатларини холис баҳолаш, шахсни, иқтисодиётни ва давлатни ушбу жиноий таъсирандан ҳимоя қилиш учун маҳсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурати тобора равshan бўлиб бормоқда. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатда давом этаётган салбий ҳодисалар таъсири остида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолати қийинлигича қолмоқда.

Жиноят кодексининг 205-моддасига биноан, ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЖКнинг 205-моддаси биринчи қисм билан жавобгарлик назарда тутилган.

Ўша ҳаракат:

- а) жуда кўп микдорда зарар етказган ҳолда;
- б) уюшган гурух манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлиши оғирлаштирувчи ҳолатни келтириб чиқаради.

Биз таҳлил этаётган жиноятнинг обьекти давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолиятини бузиш орқали айбдор шахс давлат ҳокимиятига тажовуз қилган ҳисобланади.

Жиноят обьекти муаммосини таҳлил қилган олимлар, доимо унинг асосини қонун устуворлиги, унда ўрнатилган тартиб-қоидалар мавжудлиги билан боғлаб туради деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан, М.Усмоналиевнинг таъкидашибича, “жамият учун хавф бўлган обьект қиймати қанчалик юқори бўлса, жинояччиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шунча юқори бўлади” [1], деб таъкидлайди.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти ва унинг жиноят қонунчилигидаги муаммолари узоқ вақт давомида олимларни ташвишга солиб келган. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти ҳозирги кунга қадар долзарб бўлиб қолмоқда, турли хил ҳуқуқий фанларда қайта-қайта ўрганилмоқда.

М.Х.Рустамбоев ва Б.Ахроров томонидан мансабдорлик жиноявлари учун жавобгарлик масалалари тадқиқ қилинган[2].

Тадқиқот давомида хорижий ҳуқуқшунос олимлардан эса ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари бўйича Г.И.Борзенков[3], В.И.Динека[4], Н.И. Ветрова[5], Н.В.Бугаевская[6], Б.В.Волженкина[7], А.Э.Жалинский[8],



Б.В.Здравомыслов[9], П.А.Кабанов[10], В.Н.Кудрявцев[11], А.В.Наумова[12], В.В.Прудников[13] каби олимларнинг илмий ишларидан фойдаланилди.

Номлари келтирилган олимлар тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамияти дикқатга сазовордир.

Жиноятнинг обьекти масаласининг замонавий тушунчаларини ривожлантириб, А.В.Наумов уни жиноят қонуни билан қўриқланадиган ҳар қандай манфаатлар деб ҳисоблаш керак дейди[14].

Г.П.Новоселов ҳам жиноят обьекти масаласида фикр билдириб, жиноят обьекти деб, у кимга нисбатан содир қилинган бўлса, шуни тушуниш керак, яъни айрим ёки гурух шахслар, бундай шахсларга зарар етказувчи ёки зарар етказиш хавфини вужудга келтиришга сабаб бўлувчи жиноят қонуни ҳимоясига киритилган моддий ёки номоддий муносабатларга нисбатан жиноий характердаги тажовуз келтирувчи ҳолатлар тушунилиши керак[15], дейди.

Н.И.Ветров жиноятнинг обьекти мазмунини талқин қилиб, тўғридан-тўғри жиноят қонуни билан қўриқланадиган ва жиноий тажовуз натижасида зарар етувчи ёки зарар етиш хавфи остида қолувчи ижтимоий муносабатлар тушунилиши керак, дейди.

Н.И.Ветровнинг жиноят обьектларини уч гурухга бўлиб ўрганиб, бир-бирига ўхшашиб бўлган ва бир-бирининг ички туркумига кирувчи ижтимоий муносабатларнинг жиноят қонуни билан ҳимоя қилишни аниқлаштириш учун муҳим деб ҳисоблади. Жиноят обьектининг бундай тартибда талқин қилиш натижасида содир этилган жиноятнинг айнан қандай жиноятлар тоифасига тааллукли эканлиги учун муҳим ҳисобланади.

Гарчанд маҳсус ва бевосита обьектлар турлича талқин қилинган бўлишига қарамай, бундай фикр кўплаб олимлар томонидан тақрорланади[16].

Бу борада А.Б.Сахаровнинг фикрига кўра, умуман мансабдорлик жиноятларида маҳсус ва бевосита обьектлари бир-бирига ўхшашидир[17].

Бизнингча, муаллифнинг бундай фикрига қўшилиб бўлмайди, негаки маҳсус обьект тушунчасига асосланган ҳолда конкрет обьектга етказилган заарнинг даражасини аниқлаш қийин, албатта. Жиноят обьектларининг ўхашлигига бундай заарга хуқуқий баҳо бериш мумкин бўлмайди.

Жиноятнинг обьектив томони жиноят таркиби элементлари сифатида кўплаб илмий ишларнинг манбаси бўлиб ҳисобланади. Умуман олиб қарайдиган бўлсак, мансабдорлик жиноятларининг обьектив томонининг умумий белгилари Жиноят кодексининг 205-моддасида кўрсатиб берилган.

Яъни “давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг хуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса”, дейилади.

Бу жиноят моддий таркибли жиноят бўлиб, қуйидаги зарурий белгиларнинг мавжуд бўлишини талаб этади:

- а) ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- б) жиноий оқибат;
- в) улар ўртасидаги сабабий боғланиш.

Жиноят жиноий оқибатнинг келиб чиқиши билан тугалланган ҳисобланади ва оқибатнинг қандай даражада бўлиши жавобгарликнинг оғир-енгиллигига таъсир этади. Жиноят қонунида мансаб суиистеъмоллиги учун фақат ижтимоий хавфли зарар етказилган ҳолатлардагина жиноий жавобгарлик белгиланган.

О.М.Гук ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятида жиддий зиённи таснифлашга ҳаракат қилиб, буларга қуйидагиларни киритади:

1. Давлат, жамият ёки алоҳида шахсларга моддий зарар етказиш;
2. Фуқароларнинг муҳим сиёсий, меҳнат, турар жой ёки шахсий хуқуқларининг бузилиши;
3. Давлат аппарати ёки уларнинг айрим тармоқларининг, ёхуд жамоат аппарати обрўси ёки мавқеининг бузилишига сабаб бўлиш[18].

Таҳлил этилаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш натижасида фуқароларнинг хуқуқлари ёки қонун билан



қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳисобланади.

Жиддий зиён – баҳоланадиган тушунчадир, шу боис уни расмийлаштирилган микдорий кўрсаткичларда ифодалаш мушкул ва у фақат моддий зиёндан иборат деб қаралмаслиги лозим. Айни пайтда аксарият холларда мансабни суиистеъмол қилишнинг оқибати мулкий зиён етказиш бўлиб, уни аниқлашда моддий зиённинг ҳажми, моддий объектларнинг қиймати, мулкий фойда олишнинг имкони, шунга ўхшаш бошқа кўпгина омилларни инобатга олиш зарур, чунки уларнинг йиғиндиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлигидан гувоҳлик беради. Зарарнинг жиддийлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларининг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин[19].

Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари ва ҳоказолар фаолиятидаги бошбошдоқлиқда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мансабдор шахс томонидан инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишини ҳам жиддий зиён деб ҳисоблаш зарур.

Россия Федерацияси Олий суд плenум қарорида жиддий зиён сифатида шахснинг шаъни ва қадр қиммати, фуқароларнинг шахсий ҳамда оиласвий ҳаётини ҳурмат қилиш ҳуқуқи, уларнинг дахлсизлиги кабиларни белгилаб берган[20].

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – моддий таркибли жиноят бўлганлиги учун, яъни таҳлил қилинаётган моддага кўра, мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши зарур бўлганлиги сабабли улар ўртасидаги сабабий боғланиш муҳим аҳамият касб этади ва обьектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва кўп микдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилиши ўртасидаги сабабий боғланиш аниқлангандан кейингина бу оқибатларни мансабдор шахс зиммасига юклаш мумкин[21].

Жиноят кўп микдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилган пайтдан бошлаб туталланган ҳисобланади[22].

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик учун қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти техник базасини янада такомиллаштириш, мансабдор шахслар ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш, фуқароларда коррупцияга қарши курашнинг энг кичик бирликларига ҳам қарши курашиш ҳамда у билан муроса қилмаслик хулқ-атворини шакллантиришни назарда тутади.

Шунингдек, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда хатога йўл қўймаслик мақсадида қонунчилик янгиликларини тўғри ва бир хилда қўллашни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда қонунчиликда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик жинояти учун Жиноят кодексининг саккизинчи яъни атамаларнинг ҳуқуқий маъноси бўлимига жиддий зиён тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят кодексининг 205-моддасида давлат органи, давлат иштироқидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса жазоланади. Жиддий зиён тушунчасига фақат шарҳларда таърифлар бериб ўтилган.

Жиноят кодексида, кўп микдор деганда пул бирлигida ҳисобланадиган, яъни базавий ҳисоблаш микдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган микдор тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди плenумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 27-бандида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган



манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишида, ҳокимият органларининг обрўсига птуртум етказишида, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, бунда ҳам “жиддий зиён”ни миқдори бўйича сўз юритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 4.5. бандининг 5 ва 6-қисмларида “Мансабдорлик жиноятига хос жиноий оқибат — жиддий зиён бўлиб, у ўз хусусияти ва кўламига кўра кўп миқдорни ташкил этади. Жиддий зиён Қуролли Кучлар, алоҳида хизматчилар ва бошқа шахсларга етказилиши ва турлича, ҳам моддий, ҳам моддий бўлмаган муайян тусда намоён бўлиши мумкин. Жиноят тугалланган деб тан олиниши учун зарар амалда етказилган бўлиши шарт.

Жиддий зиён сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга птуртум етиши, жанговар топшириқнинг, ўқ отиш машғулотларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зарар етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олиниди. Жиддий зиён тушунчаси ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарни ҳам олади. Қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида етказилган зарар ҳокимият ёки хизмат ваколатидан четга чиқиш жинояти аломатларидан ташқарига чиқади ва оғирроқ жиноят сифатида мустақил тавсифлашни тақозо этади”, деб берилган.

Бундан кўриниб тўрибидики, “жиддий зиён” кўп миқдорни ташкил этиши назарда тутилган.

Аммо амалиётда мазкур тушунчалар ўртасида тушумовчиликлар келиб чиқиб, “жиддий зиён”ни баҳолашда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Яъни, етказилган зарар қиймати кўп миқдорни ташкил этмаган тақдирда ҳам тергов ва суд органлари томонидан “жиддий зиён” деб баҳоланиб фуқароларни жавобгарликка тортишга сабаб бўлмоқда.

Бу, ўз навбатида, Жиноят кодекси нормаларини амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилаётганидан далолат бермоқда. Натижада, фуқароларнинг қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари поймол бўлмоқда.

Шунга кўра, Жиноят кодекси 8-бўлимига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали “жиддий зиён” атамасига ҳуқуқий таъриф бериш ёки ушбу моддалардан “жиддий зиён” атамасини чиқариб ташлаш лозим.

Сноски/Иқтибослар/References:

1. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). – Тошкент: Насаф, 2010. –131-132 бетлар. (Usmonaliev M. Criminal law (General part). - Tashkent: Nasaf, 2010. -131-132 pages).
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Махсус қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 139.; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 182 бет.; Ахроров Б. Бошқарув тартибида қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. д-ри дис. – Т., 2008. – Б. 240. (Rustambaev M.H. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. I roof. Special part. Doctrine of crime: Textbook. - Tashkent: ILM ZIYO, 2011. - P. 139.; Rustambaev M.Kh. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. Volume 3. Textbook. 2nd edition, supplemented and revised - T.: Military-technical institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. - 182 pages; Akhrorov B. Problems of responsibility for official crimes against management procedure. Law. science. Dr. Dis. - T., 2008. - P. 240.).
3. Борзенков Г.И., Комиссаров В.С. Курс уголовного права. Особенная часть. Учебник для вузов. М., Зеркало. 2002. 452 с. (Borzenkov G.I., Komissarov V.S. Criminal law course. A special part. Textbook for universities. M., Mirror. 2002. 452 p.).
4. Динека В.И. Ответственность за должностные преступления по уголовному праву России (уголовно-правовые и криминологические аспекты). Автореф. дис...докт. юрид. наук. –М., 2002. –

- C. 16. (Dineka V.I. Responsibility for malfeasance under Russian criminal law (criminal legal and criminological aspects). Author's abstract. dis...doctor. legal Sci. –M., 2002. –S. 16.).
5. Ветрова Н.И., Ляпунова Ю.И. Уголовное право. Особенная часть. – М., Юристъ. 2007. 548 с. (Vetrova N.I., Lyapunova Yu.I. Criminal law. A special part. – M., Lawyer. 2007. 548 p.).
6. Бугаевская Н.В. Должностное лицо как субъект преступления. Автореф. дис...канд. юрид. наук. Рязань, 2004. – С.15. (Bugaevskaya N.V. An official as a subject of a crime. Author's abstract. dis...cand. legal Sci. Ryazan, 2004. – P.15.).
7. Волженкин, Б.В. Служебные преступления.–М.Юристъ, 2000. –С. 145. (Volzhenkin, B.V. White-collar crimes. –M. Yurist, 2000. –S. 145.).
8. Жалинский А.Э., Энгельгардт А.А. Уголовное право России. –М., Городец. 2008. 644 с. (Zhalinsky A.E., Engelgardt A.A. Criminal law of Russia. -M., Gorodets. 2008. 644 p.).
9. Здравомыслов Б.В. Уголовное право (Общая и Особенная части). – М., Юристъ. 2007. 356 с. (Zdravomyslov B.V. Criminal law (General and Special parts). – M., Lawyer. 2007. 356 p.).
10. Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. –Нижнекамск, 2005. 194 с. (Kabanov P.A. Corruption and bribery in Russia: historical, criminological and criminal legal aspects. – Nizhnekamsk, 2005. 194 p.).
11. Кудрявцев В.Н., Наумов А.В. Уголовное право России. Особенная часть. Учебник. –М., Юристъ, 2000. 558 с. (Kudryavtsev V.N., Naumov A.V. Criminal law of Russia. A special part. Textbook. –M., Jurist, 2000. 558 p.).
12. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть: Курс лекций. –М., 2007. 486 с. (Naumov A.V. Russian criminal law. General part: Course of lectures. –M., 2007. 486 p.).
13. Прудников В.В. Преступления против государственной власти, интересов государственной службы и службы в органах местного самоуправления (уголовно-правовые аспекты). Краснодар, Кубанский государственный ун-т. 2003. 226 с. 9Prudnikov V.V. Crimes against state power, the interests of public service and service in local governments (criminal legal aspects). Krasnodar, Kuban State University. 2003. 226 p.).
14. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть: Курс лекций. –М., 2007. 486 с. (Naumov A.V. Russian criminal law. General part: Course of lectures. –M., 2007. 486 p.).
15. Комментарий к Уголовному кодексу РФ. Отв. Редактор проф. А.В.Наумов 1997. – С. 30,53. (Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation. Rep. Editor Prof. A.V. Naumov 1997. – P. 30.53.).
16. Ветров Н.И. Уголовное право. Общая часть М. 1999 С. 112. (Vetrov N.I. Criminal law. General part M. 1999 P. 112.).
17. Уголовное права РФ Общая часть. –М. 1997.; Сахаров А.Б. Уголовное права РФ Общая часть. М. 1997. –С. 121. (General part of criminal law of the Russian Federation. -M. 1997.; Sakharov A.B. Criminal law of the Russian Federation General part. M. 1997. -S. 121.).
18. Гук О.М. Проблемные вопросы уголовной ответственности за злоупотребления властью или служебным положением. Автореф.дис .канд.юрид.наук. – Киев. 1988. –С.9. (Hook OM. Problematic issues of criminal liability for abuse of power or official position. Autoref.dis .can.jurid.nauk. - Kyiv. 1988. -S.9.).
19. М.Х.Рустамбаев, Б.Ж. Ахтаров. Бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –134 бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.; Rustambaev M.X. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 182 бет. (M.H. Rustambaev, B.J. Akhrarov. Qualification of crimes against administrative order. Study guide. -T.: TDYU publishing house, 2006. -134 pages. In the title: Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, TDYU.; Rustambeev M.Kh. Criminal law course of the Republic of Uzbekistan. Volume 3. Textbook. 2nd edition, supplemented and revised - T.: Military-technical institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. - 182 pages.).
20. Яни П.С. Общественно опасные последствия должностных преступлений // Законность. 2014. № 3. (So P.S. Publicly dangerous consequences of official crimes // Legislation. 2014. No. 3.).



21. Юридический словарь [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.pravo.by> (Legal dictionary [Electronic resource]. — URL: <http://www.pravo.by>).
22. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси 4 – том. М.Ҳ. Рустамбоев. ТДЮИ. 2011 й. – Б 214. (Criminal law course of the Republic of Uzbekistan 4 - vol. M.H. Rustamboev. TDUI. 2011 – P 214.).

